23«12»2022 yil. 123-11-162-OB/2022-son

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 140215

"23" Декабр 2022 йил Учкуприк тумани

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур низом асосида иш юритувчи "AZIYA ZAMIN BIZNESS" МЧЖ (кейинги ўринларда Пудратчи деб аталади) номидан рахбар **А.Салимов** биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Учкуприк туман Ободонлаштириш бошкармаси номидан рахбар Д.Эргашев (келгусида Буюртмачи деб аталади)

## 1. Шартнома предмети.

1. Пудратчи ўзига тегишли бўлган махсулотлар билан зиммасига буюртмачинининг топшириғига асосан Транспорт воситасига метан газ урнатиш ишларини смета хужжатларига асосан амалга оширади

## 2. Шартнома бахоси.

2.1 Шартнома киймати 20 000 000 (Йигрма миллион) сўмни ташкил этади.

## 3. Тўлов шартлари.

2.2 Ушбу шартнома бўйича тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.3 Буюртмачи ушбу шартномага асосан Пудратчининг хисоб раками бажарилиши лозим бўлган ишлар қийматининг 30% дан кам бўлмаган қисмини олдиндан ўтказиб беради.

2.4 Олдиндан тўланган тўлов киймати амалга оширилгандан сўнг бажарилган ишлар учун тўловлар хар ойнинг охирида топширилган далолатномалар (ф-2) асосида амалга оширилади.

2.5 Шартнома бўйича барча хисоб-китоблар кўрсатилган ишлари тўлик тамомлангандан сўнг 60 кундан кечиктирмай Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

2.6 «Пудратчи» ушбу шартномани 1-бўлимида назарда тутилган ишларни «Буюртмачи» томонидан 30% фоиз бўнак (аванс) ни амалга оширилгандан сўнг 10 иш куни ичида ишларни амалга оширади.

## 4. Томонлар хукуклари ва мажбуриятлари.

1. Буюртмачи Пудратчига ўз вактида лойиҳа хужжатлари билан таъминлаш, шартномада кўрсатилган муддатда Пудратчига топшириш, Пудратчи томонидан бажарилган ишларни тўлиқ сифатини текшириб олиб кабул килиб олиш.
2. Пудратчи ўз ишчи кучи билан ушбу шартномада ва иш режасида кўзда тутилган барча ишларни тўлиқ хажмда ва муддатида бажариши ва тегишли лойиҳа хужжатларидаги ишларни Буюртмачига топшириши.
3. Жорий-таъмирлаш объектлари учун зарур курилиш материалларин, конструкцияларни ташиш, кабул килиш хамда саклаш Пудратчи томонидан амалга оширилади.
4. Пудратчи ушбу шартномада назарда тутилган бажарилиши лозим бўлган ишларни бажариш учун Буюрматчи билан келишилган ҳолда махсус ташкилотларни (субпудрат) жалб килиши мумкин.
5. Давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш, тафтиш ва ўрганиш натижасида бажарилган ишларнинг сифатсиз ва ўз вактида бажарилмаганлиги аникланса «Пудратчи» томонидан зарар копланади.

## 5. Тарафларнинг жавобгарлиги.

5.1.«Пудратчи» хизмат кўрсатиш муддатларини кечиктирганда, шартнома бўйича ўз мажбуриятини лозим даражада бажармаган ҳолларда «Буюртмачи»га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0.5% миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар бахосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини

кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2.«Буюртмачи» кўрсатилган хизматлар ҳаққини ўз вақтида тўламаганлиги учун (етказиб берувчига)иш бажарувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.3.Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш (ишларни бажариш) муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.Қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш давомида юзага келган камчиликлар пудратчи айби билан бўлса Пудратчи Буюртмачига зарар етказмаган ҳолда кўрсатилган муддатда камчиликларни бартараф этади.

### 6. Форс-мажор ҳолати.

1. Тарафларнинг бирортаси ҳам бошқа тарафнинг олдида ушбу шартнома бўйича олинган мажбуриятларни улар истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдиндан кўра билиши ёки бартараф этиши мумкин бўлмаган ҳолат бўйича уруш эълон қилиниши ёки амалда бошланганлиги фуқоролик тартибсизлиги, вабо тарқалиши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар билан боғлиқ ҳолда бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайдилар.
2. Ўз мажбуриятларини бажармаган тараф бўйича мажбуриятини бажаришга унинг таъсир кўрсатиш ёки монелик қилиш тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезроқ хабар бериши лозим.

### 7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

7.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар содир қилмасликка келишиб оладилар.

7.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

7.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириш мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

7.4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали)содир этилишига йўл қўймайди: а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа турдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига; б) қонунга хилоф равишда олинган даромадларнинг

легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш, ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга; в) коррупцияга оид ҳуқукбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазйиқ ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

7.5. Тарафлар товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш ва ўтказишда битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа харакатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан харакат киладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьюторлар, ҳукукшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуйидааги ҳаракатларни амалга оширишлари шарт: - коррупциявий харакатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий харакатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш; - улардан коррупциявий харакатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик; - уларни фақат тарафларнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш; - уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

7.6. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

7.7. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларининг 7.4- ва 7.5-бандларида белгиланган мажбуриятларини бузилишига йўл қўйилганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## 7. Шартнома муддати

1. Мазкур шартнома икки томон орқали имзоланиб худудий Ғазначилик бўлинмаси томонидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг конуний кучга киради.
2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, 2022 йил "23" Декабрдан 2022 йил "31" декабргача амал қилади.

## 8. Қўшимча шартлари.

1. Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро хал қилинади, ўзаро хал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан иктисодий судлари орқали хал қилинади.
2. Шартнома икки нусхада тузилиб хар бир нусхаси teng юридик кучга эга бўлиб томонларда бир нусхадан сақланади.

Шартномага барча ўзгаришлар икки томонлама келишилган ва шартномага қўшимча битим имзоланган ҳолда ва Газначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг конуний деб хисобланади.

9.КАФОЛАТ.

9.1.«ПУДРАТЧИ» амалдаги тартиб ва қоидалар бўйича етказиб берилган махсулотлар ва бажарилган ишлар сифатига шартнома шартларига кўра махсулотлар ва ишлар БУЮРТМАЧИ» томонидан тўлик қабул килиб олинган кундар бошлаб 1 (бир) йил муддатга кафолат беради. Бунда ушбу муддат давомида махсулотлар ва ишлар сифатсизлиги аникланганда «ПУДРАТЧИ» сифатсиз махсулотни сифатлисига алмаштирган ҳолда кайтадан таъмирлаш ишларини амалга ошириши ёки сифатсиз махсулотларнинг ва ишларнинг баҳосига мутаносиб равишда тўланган сумани кайтариб бериш мажбуриятини олади.

Ушбу бандга риоя килинмаган холларда бажарилган ишлар шартномавий кийматнинг 2 (икки) баробари микдорида жарима тўлайди.

**9. Томонлар хуқуқий манзили ва реквизитлари:**

**ПУДРАТЧИ**

"AZIYA ZAMIN BIZNESS" МЧЖ

Учкўприк тумани Учкўприк шахарчаси
Соглом авлод кўчаси № 5-уй

Х/Р: 20208000005543375001
Банк: " UNIVERSAL BANK ". Бувайда [illegible]
МФО: [illegible]51 ИНН: 309685462

Рахбар: А.Салимов

**БУЮРТМАЧИ:**

Учкуприк туман Ободонлаштириш бошкармаси
Учкуприк тумани Учкуприк шахарчаси
Шодлик 2

Ш\хр: 400122860302217065200110001
ИНН: [illegible]5662 ОКОНХ:
Х/Р 23402000[illegible]00001010
Тошкент шахар Марказий банки
ИНН 201122919 МФО:00014

Рахбар: Д.Эргашев

| | | |
|---|---|---|
| | Hujjat **elektron raqamli imzo** orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun **QR Code** ni skanerlang. | |
| | Imzolovchi F.I.SH. | DILSHOD ERGASHEV YUSUPOVICH |
| | Imzolangan sana | 23.12.2022 18:33 |
| | Hujjat kodi | **TD6805815082** |
| | Hulosa kodi | **NE5382356734** |

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

NE5382356734

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: **Avtotransportga metan ballon o'rnatish**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: "UCHKO'PRIK TUMAN HOKIMLIGI" JAMOAT BIRLASHMASI tomonidan 23.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Uchko'prik tumani yuridik markazi bosh yuristkonsulti:**

E.Q.Qalandarov

23.12.2022

**202018 лот юзасидан шаклланган дастлабки баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича расмийлаштирилган электрон баённомаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш куни ичида иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қилади.

Муҳокама тугаган сана: 23.12.2022 18:56

Комиссия раиси: ERGASHEV DILSHOD YUSUPOVICH